*Тарихимиз саҳифалари*

# ЖАСОРАТ ВА ХИЁНАТ

*Иккинчи мақола*

## ФИТНАЛАР КАСОФАТИ

Туркистон генерал-губернатори 1868 йил 22 апрелда Самарқанд аҳолисига «Мурожаатнома» қабул қилади. Унда жумладан шундай дейилади:

«Самарқанд шаҳри фуқаролари! Мана, мен 6 ойдан буён ҳукмдоримнинг рухсатига биноан, сизларга тинчлик ва осойишталик бахш этишга ғамхўрлик қилмоқдаман. Оқподшо урушишни истамайди. Лекин амир менинг яхши ниятларимни тушунмайди ёки тушунишни хоҳламайди. У фойдали тинчлик сулҳини тузиш ўрнига, қўшини ва халқини Россия билан урушишга тайёрламоқда. Мен уруш оқибатида халқнинг қони тўкилишига йўл қўймаслик учун барча чораларни кўраман. Мен зиёни тегмаётган халққа эмас, амирга қарши бораётирман. Чунки оқподшо одамларга ёмонлик эмас, яхшилик истайди. Агар сизлар тавсия этилган битимнинг қабул қилинишига мени ишонтирсангиз, қон тўкилмайди ва қўшин қайтариб олиб кетилади. Оқподшонинг мақсади тинчликни сақлаш ва уруш қилмасликдан иборатдир. Фурсатни қўлдан бой берманглар».

Кауфман бошчилигидаги Туркистон ҳарбий округи қўшинлари «Мурожаатнома» жавобини кутмасдан Самарқанд билан Жиззах ўртасидаги Янгиқўрғон томон йўл олади. Самарқанд беги Бобохўжа бу ҳақда амирга ахборот юборади. Рус қўшинлари яқин кунларда Самарқанд сари юриш қилиши эҳтимоли борлигини, шу боис амир бошчилигидаги қўшин Чўпонота тепалигига ўрнаштирилганини, аҳолининг бир қанча қисми қуроллантирилиб, аскарларга қўшиб қўйилганини, фуқаролар амирнинг келишини эрта тонгда қуёш чиқишини пойлагандек кутаётганлигини билдиради. Аммо амир Музаффар журъатсизлик қилади. Самарқандга фақат Мирзо Шамсиддинхўжани юборади. Бу пайт Самарқанд шаҳрида Шерали иноқ ҳоким эди. Абдумалик тўра ҳам, эҳтиёти шарт, унинг ёнида ўз лашкари билан турарди. Муаррих Абдулазим Сомийнинг ачиниш билан ёзишича, Шерали иноқ зулмидан Самарқанд аҳли додга келган, амир Музаффарга мактуб йўллаб, шундай шарт қўйганди: «Тобакай, бизни Шерали иноқ зулмидан қутқариб, янги бир ҳоким қўйсалар, шунда барчамиз — аёллар, эркаклар, катта-ю кичик то охирги кишимиз қолгунча кофирларга қарши тургаймиз. Зеро, Бухоро лашкари пароканда бўлиб кофирлар билан жанг қилмоққа бирон-бир саъй-ҳаракат қилмайдурлар».

Таассуфки, амир халқ талабини инобатга олмайди. Оқибатда янада ҳаволанган Шерали иноқ амирга шикоят қилганлардан аёвсиз ўч олади. Бу ҳам етмагандай, Абдумалик тўрани гўёки у тахтни эгаллаш илинжида исён қилмоқчи деган туҳмат билан Ғузорга юборишга эришади. Негаки, Абдумалик тўранинг Самарқандда туриши унинг эркин ҳаракат қилишига маълум даражада монеълик қиларди.

Шерали иноқ воқеасининг тескари йўналиш олиши Самарқанд аҳлига қаттиқ таъсир қилади. Шаҳар оқсоқоллари аччиқ устида рус губернаторига мактуб йўллаб, ундан паноҳ сўрайдилар. Бу Кауфманга қўл келади. У фурсатдан фойдаланиб, Туркистон ҳарбий округи қўшинларига қуйидаги мазмунда мактуб жўнатади:

«Кейинги вақтларда Бухоро Самарқандда Россияга қарши қўшин тўплаётганлиги ҳақида аниқ маълумотлар олинмоқда. Самарқандга русларга қарши урушни тарғиб қилаётган ва гўё дин учун курашаётган мутаассиблар ёғилиб келиб, Сирдарё вилоятининг ўтроқ аҳолисини ғалаёнга даъват этмоқдалар. Мен ярим йил мобайнида музокаралар воситасида тинчликка эришиш учун бор кучимни сарфладим. Бухороликларнинг сулҳ шартномасини узил-кесил қабул қилишни атайин чўзишга қаратилган найрангларини сезмасликка интилиб, Россия билан Бухоро ўртасидаги тинчлик сулҳини тузиш зарурлигига амирни ишонтиришга кўп уриндим. Мен амир рус қўшинлари билан бир неча бор тўқнашишдан ўзига сабоқ чиқариб олади, деб ўйлаган эдим. Аммо амир қурол кучи билан ўзининг Ўрта Осиёдаги мавқеини тиклашга ҳаракат қилмоқда. Агар Бухоро қўшинларининг тўпланиши Россияга қарши қаратилган бўлса ҳамда бизнинг чегараларимизда қурол кучисиз тинчликни таъминлашнинг иложи бўлмаса, у вақтда қўлда қилич билан тинчликка эришиш зарурияти туғилади».

Шоҳидлар ва маҳаллий тарихчилар маълумотларига кўра, рус қўшинлари Янгиқўрғонни эгаллагач, истило тиғини қадимий Самарқандга қаратадилар. 1868 йил 1 май куни Чўпонота тепалигида ҳал қилувчи жанг бўлади. Ҳарбий ахборотларда эртаси куни Самарқанд рус қўшинлари томонидан жангсиз эгалланганлиги қайд этилади. Аммо бунда сотқинларнинг катта ҳиссаси борлиги тилга олинмайди. Улар ўша куни К. П. Кауфман ҳузурида бўлиб, рус солдатларини шаҳар дарвозасида туз ва нон билан кутиб олиш юзасидан буйруқ оладилар. Кўп ўтмай рус қўшини қозикалон, катта оқсоқол ва бошқа амалдорлар кузатувида шаҳарга киради.

3 май куни К. П. Кауфман шаҳар катталари, дин пешволари, умуман, нуфузли кишилар иштирокида қабул маросими ўтказади. Бир гуруҳ сотқинлар шаҳар гўё оқподшо паноҳига олинганлиги ва рус қўшинининг сахийлиги учун миннатдорчилик билдиришиб, халқни оқподшога содиқ бўлиш учун даъват этишга ваъда берадилар. К. П. Кауфман хоинларга тўнлар кийгизади. Баъзиларни император номидан кумуш медаллар билан мукофотлайди. Биринчи медал шаҳарнинг урушсиз таслим бўлишини изҳор этган кишилар раҳбари — қозикалонга берилади. Аммо у: «Халқ мени бармоғи билан исломдан қайтган киши сифатида кўрсатади ва таъна қилади»: — деб медални олишдан бош тортади. Бунга жавобан фон Кауфман шундай дейди: «Яхши, мен медални чакмонинг устига тақмаслигингга розиман. Лекин уни олиб, буюк оқподшо тасвирини юрагингда сақлагин. Маълумки, империя таркибида кўп миллатли мусулмонлар фароғатда яшайдилар. Уларга ўзларининг диний эътиқодларида қолиш ҳуқуқлари берилган. Яқиндагина Самарқанднинг оқподшо паноҳига олинишини сўраган сен эмасмидинг?»Ноилож қолган қозикалон медални олиб, кўкрагига тақиб юражагини айтади.

1868 йил 4 майда К. П. Кауфман Самарқанд шаҳри ва унинг атрофидаги аҳолига мурожаатнома йўллайди: «Улуғ рус подшоҳининг паноҳида яшашни хоҳловчи турли шаҳар ва қишлоқлар вакилларини қабул қилиб, маълум қиламанки, барча кишилар ўз уйларида ва ерларида яшаб, мол-мулкларидан фойдаланаверсинлар. Катта шаҳарларда керагича муфтийлар ва аъзамлар қўйилади. Барча кишилар тинч ва бир-бирларига душманлик этмасдан яшашлари учун оқсоқолларга, қозиларга ва маҳдуми аъзамларга ҳамда муфтийларга генерал-губернаторнинг имзоси чекилиб, муҳри босилган ёзма буйруқлар берилади. Ўзларингизнинг касбларингиз ва савдо-сотиқларингиз билан шуғулланаверинглар. Оқподшонинг ҳукми бўйича шариат эскича ўз кучида қолаверади.

Ҳар бирингиз масжидларда оқподшо ва унинг оиласи соғлигини сўраб, дуо қилинглар.

Сирдарёнинг чап ва ўнг қирғоқларидаги руслар тасаррufига ўтган ерлардан хазина фойдасига белгиланган тартибда хирож ва бошқа солиқлар олинади. Агар амир одамлари қишлоқларга келишиб, солиқ тўпласалар, ушлансинлар ва бошлиқларга топширилсин. Сизларнинг губернаторингиз ва бошлиғингиз қилиб, генерал Головачевни тайинладим».

Айни чоғда, генерал-губернатор Бухоро амирига қуйидаги сулҳ шартларини юборади:

«1. Аъло҆ҳазрат Русия императори жанобларининг ҳукуматига мансуб бўлган ерларга аввал руслар томонидан ишғол этилган Кошғар, Довон, Нурота тоғлари шимолидан ташқари, оқподшо тобелигига ўтишни илтимос қилган Самарқанд шаҳри ўз музофотлари билан Русияга киради. Жануб томондан бу ўлка Шаҳрисабз тоғлари билан чегараланиб, Зарафшон водийси ва Нурота тоғлари ўртасидан ўтади. Бухоро билан бўладиган чегара эса, шу сулҳ битими амир жаноби олийлари томонидан таклиф этилган шартлар билан қабул қилиниб, улар ўз муҳрларини босиб қайтарганидан кейин аниқланади. Шундан сўнг чегара ғарб томондан Нурота тоғларининг энг баланд жойидан ва Бухоро ҳудудида жойлашган Нурота қалъасидан ўтади. Шу ердан Қизилқум саҳроси ўртасидан ўтиб, Бўкантоғ орқали Янгидарё қуйилишигача ўтади.

2. Ҳамма рус фуқаролари, қайси динда бўлишларидан қатъи назар, Бухорога ва унинг бошқа жойларига бориб, савдо қилиш ҳуқуқига эга бўладилар. Бухоро амирининг фуқаролари ҳам илгаригидек, Русия империяси билан савдо қилишларига ижозат берилади.

Амир жаноби олийлари Русия фуқароларини карвонлари ва барча мол-мулклари билан ҳимоя қилиб, ўз мулки ҳудудида уларнинг хавфсизлигини назорат этади.

3. Русия савдогарлари учун Бухоро шаҳарларида ва улар хоҳлаган жойларда ўз молларини сақлаш учун карвонсаройлар қурилишига ижозат берилади. Русия шаҳарларида ҳам Бухоро савдо аҳли учун шундай ҳуқуқ берилади.

4. Савдо ишлари тўғри бориши ва қонуний бож олинишини назорат қилиш учун рус савдогарлари хоҳишига қараб, Бухоро амирлигининг ҳар бир шаҳрида уларнинг карвонбошилари бўлишига ҳуқуқ берилади.

5. Русия еридан Бухорога ва ёки Русияга шу ердан борадиган товарлардан Туркистон ўлкасида олинадиган миқдорда, ҳар қандай ҳолатда Бухоронинг мусулмон фуқаролари билан бир хил, яъни молнинг умумий қийматидан 2,5 фоиз миқдорида бож олинади».

Фон Кауфман сулҳ шартларида Бухородан катта товон олинишини ҳам кўрсатади.

Амир Музаффар Самарқанд воқеасидан даҳшатга тушиб, бу шум хабарни келтирган кишини жаҳл устида осиб ўлдиришга ҳукм қилади. Амирнинг чорасиз ва иложсиз васвасаси аста-секин йиғига айланади. У: «Худо мени Самарқанддан маҳрум қилгандан кўра, жонимни олгани яхши эди», — дея оҳ-фиғон чекади. Чунки соҳибқирон Амир Темурнинг пойтахтини ғайридинлар босиб олиши катта мусибат эди. Бу воқеа бутун ислом дунёсида кучли акс-садо беради. Амир ўз лашкарбошлари билан ўтказган кенгашда биринчи бўлиб сўз олган Усмонбек барчани фаол ҳаракатга ундайди: «Хонлик халқи урушни давом эттиришни талаб этаётган бир пайтда кофирларга товон тўлагандан кўра, бир томчи қон қолгунча курашиш афзалроқдир». Бу фикрни кенгаш қатнашчилари якдиллик билан қўллаб-қувватлайдилар. Музаффар барча кучларни жамлаб, Самарқандни қайтариб олишга киришади. 15 минг отлиқ, 6 минг пиёда ва 14 та тўпга эга бўлган Бухоро қўшини Зирабулоқ тепалигига келиб ўрнашади. Амир Музаффар қўшинига қуйидагича мурожаат қилади:

«Содиқ мусулмон фуқаролари! Заҳматларингиз учун раҳмат. Сизларни ишонтирамизки, ғалаба биз томонда бўлгай. Самарқанд ва Каттақўрғоннинг қўлдан кетиши биз учун унчалик катта йўқотиш эмас. Биз ўз еримизни қандай қилиб қайтариб олишни кўрсатиб қўямиз. Мусулмонлар! Мен динимиз ва Ватанимиз учун мусулмон аҳлининг қаҳрамонона жанг қилишини кофирлар кўз ўнгида намоён этишингизга умид қиламан. Халқ биздан ғалаба кутаяпти, у жангдан сўнг сизларни қарши олганда дин ва Ватан ҳимояси учун курашган ва еримизни кофирлардан тозалаганлар, деб айтсин. Зирабулоқ жанги майдонида ҳалок бўлганлар шарафига шонли ёдгорлик ўрнатилади. Мусулмонлар! Туркистон генерал-губернатори талаб қилаётган 125 минг тилла совға сифатида сизларга берилади. Ишончим комилки, сизлар менинг умидларимни рўёбга чиқариб, самарқандликлар тўнидаги қора доғни ювасизлар. Мусулмонлар, сизларга зафар ёр бўлсин!». Мурожаат тўплар садоси остида ўқиб эшиттирилади. К.П.фон Кауфман қўмондонлигидаги қўшин ва ҳимоячилар ўртасида жанг бошланади.

Келгуси воқеалар тақдирини Зирабулоқ жанги ҳал қилади. Бу урушда ҳам руслар хиёнат эвазига ғалаба қозонишади. Муаррих Мирзо Салимбекнинг ёзишича, асл миллати рус бўлиб, кейин асирликда мусулмон динини қабул қилган ва амир қўшинида юксак мартабага эришган Усмон тўқсабо ҳал қилувчи дақиқада Бухорога хиёнат қилган: «Туркиялик саркарда Ҳожи Тўқҳир тарафдин ўрисларга ҳужум қилиб уларни танг аҳволга солиб қўйди. Улар енгилай деганда Усмон тўқсабо чекиниш карнайини чалиб, ўз лашкарини орқага олди».

Жангда қатнашган рақиб кучлари ва қурол-яроқлари ҳақидаги маълумотлар таҳлил қилинса, руслар муваффақиятининг яна бир сири очилади. Бухоро қўшинлари олти минг сарбозга ва 15 минг отлиқдан иборат бўлган, қурол-яроқ ва ҳарбий анжом жиҳатидан жуда қолоқ ва эски эди. Русларнинг пиёда ва отлиқ қўшинларининг умумий сони 2 мингдан иборат эди. Уруш тақдирини қиличлар эмас, замонавий ҳарбий техника ҳал этади. Россия қўшинларининг Зирабулоқдаги ғалабаси шу жиҳатдан табиий эди.

1868 йил 29 майда Каттақўрғон атрофида 30 минг кишидан иборат қўшин ва оломон русларга қарши жангга киришдилар. Душман 7000 кишининг ёстиғини қуритади. Ватанпарварлар шунга қарамай 31 май куни Каттақўрғон истеҳкомидаги рус аскарларига ҳужум қиладилар. Бу жанг босқинчиларга қарши курашнинг энг даҳшатлиларидан бири сифатида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам Каттақўрғонга шахсан Кауфманнинг ўзи боради.

Зирабулоқдаги мағлубият ва амирнинг Қизилқум тарафга қочгани ҳақидаги хабар Самарқандда кучли акс-садо беради. Шаҳар ватанпарварлари энди ўз кучларига ишониб, ислом ва озодлик йўлида муқаддас урушга бел боғлайдилар.

Қарши ва Ғузорда Абдумалик тўра бошчилигида қарши ҳужумга қизғин тайёргарлик кўрила бошланади. Ҳисор, Шеробод қўнғиротларига, Қарши атрофи ўзбекларига, Эрсари туркманларига хатлар юборилади. Улар Абдумалик тўрага содиқ бўлишга даъват этиладилар, қасамёд қилиб, русларга қарши отланишга чақириладилар. Тез орада тўрага тарафдор бўлган, ғазот алангасида ёнган кишилар тўп-тўп бўлиб Ғузорга кела бошлайдилар. Ҳисор, Шеробод, Денов, Кулоб каби жойларда амир томонидан қўйилган ҳокимлар ағдариладилар. Тизгинни тўрага мойил кишилар қўлга оладилар. Жумладан, Шерободда қўнғирот қавми Каримқулбий ўрнига Остонақулбийни ҳокимликка кўтарадилар. Шаҳрисабзда Ҳакимбекбий, Китобда Жўрабек ҳам аллақачон амирга бўйсунмай қўйгандилар. Улар Абдумалик тўрага мактуб ёзиб, муқаддас жиҳод йўлида у билан бирга бўлишларини изҳор этадилар.

Ниҳоят, Абдумалик тўра тарафдорлари бир неча минг кишига етгач, русларга қарши юриш бошланади. Қўшин Ғузордан чиқиб, Шаҳрисабз орқали Самарқандга йўл олади. Ҳакимбекбий ва Жўрабек ўз кучлари билан тўрага қўшилади. Бу вақтда губернатор зарур насроний қўшин билан Каттақўрғонда Бухоро шеригига қарши турган эди. Самарқандда эса рус қўшинининг унча катта бўлмаган қисми қолган эди. Ғузор, Қарши, Ҳисор, Шаҳрисабз, Китоб, Шерободдан, хуллас, жанубий бекликлардан жам бўлган катта қўшин ила келган Абдумалик тўра руслар истеҳкомини қамал қилади. Шу орада амирликда катта нуфузга эга бўлган Умархон эшон маҳдуми Аъзам катта гуруҳ билан ёрдамга етиб келади. Хитой-қипчоқ, қорақалпоқ, тожик қавмлари ҳам тўра билан иттифоқ бўлиб, русларга қарши курашадилар.

Қамал қилувчилар уч кеча-кундуз бетиним курашиб, Арк деворини бузишга, бир неча жойини тешиб, йўл очишга муваффақ бўладилар. Бир қанча русларни асир оладилар. Афсуски, Абдумалик тўра тўла ғалабага ноил бўлолмай, Шаҳрисабзга қайтади. Бунда куч эмас, макр, ёв эмас, ўз отаси — амир панд беради. Тақдирнинг бу тахлит тескари эврилиши Абдумаликнинг кейинги ҳаётини сарсон-саргардонликка маҳкум этган бўлса, амирликни Россия давлатининг вассалига айлантирди.

Амир лашкари билан рус қўшини Каттақўрғонда жанг ҳолатида турганида, Самарқанд қамали хабари эшитилади. Бу хабар руслардан кўра, амир Музаффарни қаттиқ ташвишга солади ва у Абдумаликни орадан кўтариб ташлаш пайига тушади. Мирзо Абдулазим Сомий бу ҳақда изтироб билан шундай ёзади: «Қачонки, тўра Самарқандни эгаллагудай бўлса, ғолиблик яловини кўтарар, бундан шоҳлик қадри тушиб, одамлар, шубҳасиз, ундан бўлак ҳукмдорни хоҳламаган бўларди, шу боис амир унинг мағлубияти ва ҳалокатини истарди».

Руслар амир учун қалтис бўлган вазиятда, фурсатни бой бермай, Бухоро қўшини билан жанг қилишни, Самарқандга қўшимча куч юбормасликни маъқул топади. Икки ўртада уруш бошланади. Амир лашкари енгилади. Ҳожи бошлиқ кучлардан битта ҳам сарбоз қолмай қириб ташланади. Карманада турган амир икки ўт орасида қолади. Негаки, бир томондан руслар тобора унинг қароргоҳига яқинлашиб келаётган бўлса, иккинчидан, у ёқда Абдумалик тўранинг эътибори ошиб, Самарқанд бўсағасида русларга таҳдид солаётган, мабодо, зафар қучгудек бўлса, Бухоро тахти уники бўлиши муқаррар эди. Амир Хоразмга кетишга қарор қилади. Шу пайтда иғвогарлар фитнасига учиб, ўзи зиндонбанд қилган лашкарбошиси Шукурбий ёдига тушади. Уни ҳибсдан чиқариб, маслаҳат сўрайди.

Шукурбий иноқ, гарчи зиндондан чиқиб келган бўлса-да, гина-кудуратни унутиб, амирга шундай йўл-йўриқ кўрсатади: «Самарқанднинг қўлдан кетиши Бухоро давлатининг ҳалокатига сабаб бўлолмас. Нечунким, у бурунги замонларда ҳам аксар вақт бошқа ҳукмдорларга тобе бўлиб келган. Борди-ю, амирнинг безовталиги кофирларнинг жасурлиги туфайли бўлса, бундан ортиқ хавфсираш тўғри бўлмас. Шу кунларда Кауфман Самарқанд қамали ҳақида хабар олган экан, шубҳасиз, уни билдирур. Давлат равнақи учун зудлик ила губернатор олдига кимнидир бартараф этишни муҳим деб билур ва сулҳга мойиллик йўллаш, ярашув аҳлини ўртага солиш керак. Сиз эса бахт-саодат ила йўлга чиқиб, Бухорога қутб мисол кириб, давлатхона марказидан жой олмоғингиз даркор».

Бу маслаҳат амирга маъқул тушади. У Кауфманга элчи орқали мактуб йўллаб, дўстликни ва сулҳни таклиф этади. Кауфманнинг ҳам ярашувидан ўзга чораси йўқ эди. Шундай қилиб, амирлик ва руслар ўртасида сулҳ қарор топади. Ширинхотун мавзесидаги кўприк оралиқ чегара деб эътироф этилади. Бу сулҳнинг вужудга келиши ва кучга кириши 1868 йилда юз беради.

Сулҳга эришиб, ўзини анча тутиб олган амир бор кучини ўғли Абдумалик тўра ва унинг тарафдорларини маҳв этишга қаратади. Бунинг учун азалдан синалган макр-ҳийлани ишга солади. Абдумалик тўра лашкарбошиларидан бўлмиш Мўмин покига киши юборади. Унга катта ваъдалар бериб, қандай бўлмасин, тўранинг қўшинини тарқатиб юбориш вазифасини топширади. Ўз навбатида Мўмин поки тўра тарафдори бўлган ҳокимлар, лашкарбошилар, эътиборли баҳодир ва паҳлавонларга хат ёзиб, «ўрис билан амир аҳднома тузиб, ярашди, энди улар биргаликда Шаҳрисабз устига Усмонга қўшиб ўрис аскарларини юбораётир», деб ваҳима солади. Хатлар ўз таъсирини кўрсатади. Ҳокимлар, айниқса, Шаҳрисабз, Китоб беклари шаштларидан қайтадилар. Оқибатда Самарқанд эрта—индин тўра қўлига ўтай деб турганида лашкарлар бирин-кетин тарқала бошлайди. Абдумалик тўра ва бир қанча беклар қанча уринмасинлар, Бухоро ва рус қўшини биргаликда келиши ёлғон гаплар эканлигини исботлай олмайдилар. Руҳи тушиб кетган ғазотчиларни ушлаб қолишнинг иложи топилмайди. Абдумалик тўра русларга қарши уюштирган сўнгги ҳамла ҳам барбод бўлади.

Амир Абдумалик тўрани, уни қўллаб-қувватлаган Қарши ва Ғузор аҳолисини жазолаш учун қўшин тортади. Ҳожа Муборакка келиб тушибоқ, Йўлдош эшик оғобоши манғит ва Тўғаймурод эшик оғобошига тўрани тутишни буюради. Қарши ҳокими Нуриддинхон тўрага ҳам шундай топшириқ беради. Бироқ Жўрабек, Бобобек каби ҳокимлар Самарқанд фитнаси моҳиятини англаб, тўрани қўллаб-қувватлай бошлайдилар. Кўп ўтмай Абдумалик тўра яна мавқеини тиклаб олади. Қаршида мустақиллик яловини кўтаради. Унинг атрофида аввалгидан ҳам кўпроқ одам жам бўлади. Бекликлардан аввалгидек, унинг ҳокимиятини тан олувчи иноятномалар кела бошлайди. Амир Музаффарнинг Абдураҳмонхожа Садр, Каримқулбий иноқ, Абдулазизбий каби ҳокимлари унга асир тушади. Муҳими шундаки, Бухородан, амир саройидаги нуфузли амалдорлар ва ҳарбий бошлиқлардан ҳам унга итоат қилиш ҳақидаги мактублар, туҳфалар жўнатила бошлайди.

Амирнинг Баҳодирбек парвоначи баҳрин деган энг яқин беги ҳам ундан юз ўгириб, тўра ҳузурига келади. Ҳатто тўрани тутиб келтиришга юборилган Йўлдош эшик оғобоши ҳам у томонга ўтиб кетади. Оғир аҳволда қолган амир яна Шукурбий иноқ ва Ёқуб қушбегини маслаҳатга чақиради. Улар: «Тўрага қарши кураш давлат қулашига ва шармандаликка сабаб бўлади. Чунки тўранинг исёни кофирларга қарши қаратилган эди, улар ҳозир ҳам курашга қизғин тайёргарлик кўришяпти. Амир жаноблари эса руслар билан иттифоқда, шундай экан, исёнкорлар аслида губернаторнинг душманидир. Бас, уларнинг қаршилигини синдириш биздан кўра, кўпроқ губернаторга зарурроқдир», деган фикрга келадилар. Шундан сўнг Амир Музаффар губернаторга қуйидаги мазмунда хат ёзади: «Тўра атрофида бўлаётган уруғ-қавмлар ғалаёни, норозилик тўлқини, ул юксак давлатга бўлаётган ишончсизлик аслида насронийлар келиши туфайлидир. Шу боис, Бухоро ва насроний давлатлари ўртасида дўстлик ва тинчлик ўрнатилгандан сўнг норозилик тўлқини кучайиб кетди... Сиз тарафингиздан тўра ва қавмларнинг ғалаёни асосларини йўқ қилиб ташлаш учун замбарак ва аслаҳалар билан қуролланган қўшин гуруҳини юбормак вожибдир».

Рус қўшинлари қўмондонлиги, шахсан Кауфман буйруғи билан шу заҳотиёқ ўн минг кишилик қўшин Қаршига юборилади. Амирнинг ҳам шунча миқдордаги сарбози Абдумалик тўра ва унинг тарафдорларига қарши юришга чиқади. Руслар амир Музаффар хоҳиши билан Қаршини беаёв тўпга тутиб, ғолиб бўладилар. Чортоққа етиб, қалъани вайрон қилишга киришадилар.

Абдумалик тўра ёнида қолган 400 кишиси билан Тошқўрғонга чиқиб кетади, хотин-халажи асирликда қолади. Амир Қаршига учинчи ўғли Абдулмўмин тўрани ҳоким қилиб қўяди.

Шу тариқа Абдумалик 23 ёшида юртидан мосуво этилиб, олис Пешоворда яшашга мажбур бўлади ва 1909 йили дунёдан ўтади.

Амирнинг руслар олдидаги таслимчилик сиёсати Китоб ва Шаҳрисабз ҳокимлари Жўрабек ва Бобобекни қониқтирмайди. Улар амирнинг жияни, жўйбор шайхларидан бўлган Қосимхожа ўғлини тахт ворислигига мўлжаллаб, пинҳона Шаҳрисабзга олиб келадилар. Бундан хабар топган амир Музаффар шайх хонадонини, ўз синглисини фитначилар билан тил бириктиришда айблаб, қатл эттиради. Шаҳрисабз ва Китоб устига ҳарбий юриш қилишни сўраб, Кауфманга мурожаат қилади. Мирзо Абдулазим Сомий Китоб ва Шаҳрисабзга нисбатан амалга оширилган рус босқинини тарихга муҳрлаган. «Кофирлар қўшини, — дейди муаррих, — дастлаб Китобга келди, уч соат мобайнида уни эгаллаб Шаҳрисабзга йўл олди, бир оз куч сарфлаб шаҳарни забт этди ва талон қилди».

Бобобек ва Жўрабеклар Қўқонга кетишга мажбур бўладилар. Аммо руслар билан иттифоқ тузган Худоёрхон иккисини ҳам ушлаб, душман қўлига топширади.

**Ҳамдам СОДИҚОВ,**
**тарих фанлари доктори,**
**Рустам ШАМСУТДИНОВ,**
**тарих фанлари доктори, профессор,**
**Поён РАВШАНОВ,**
**профессор**

*Ойдин йўл*

# МУШТАРАК МАНФААТЛАР ИФОДАСИ

Жамиятнинг муваффақиятли ривожи биринчи навбатда учта муҳим хусусиятга боғлиқ: кучли иқтисодиёт, адолатли қонунлар ва суд тизими, шунингдек, фуқароларнинг ўзаро муносабати. Ана шу омиллар тўғри йўлга қўйилган тақдирдагина жамиятда мувозанат пайдо бўлади, у изчил тараққиёт сари юзланади. Бугун шуни ишонч билан айтиш мумкинки, жамиятдаги барқарорлик ва иқтисодий ўсишлар замирида, аввало миллатлараро тотувлик ҳамда соғлом диний муносабатлар зоҳирдир. Айнан сиёсий барқарорлик хорижий сармояларнинг Ўзбекистон иқтисодиётига кириб келиши учун ҳал қилувчи вазифани ўтади.

Ҳар бир иш устидан вақт ҳукм чиқаради. Бугун биз ўтган қисқа даврга назар ташлар эканмиз, Ўзбекистон раҳбариятининг миллий масалалар борасида юритган ва ҳозир давом эттираётган сиёсати нақадар тўғрилигига амин бўлишимиз мумкин. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида ўтиш даврининг дастлабки босқичларида амалга оширилган демократик ва сиёсий ислоҳотларга баҳо бериб, уларнинг муваффақиятини бевосита жамиятдаги миллатлараро тотувлик билан боғлайди. Президент ўз китобида «давлатни барпо этишдаги бизнинг ўзига хос йўлимиз ҳудудимизда тарихан таркиб топган кўп миллатли жамият тизимини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш ҳамда ана шу омилдан демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти барпо этишдан иборат пировард мақсадни кўзловчи вазифаларни амалга ошириш ғоясига асосланади», деб таъкидлайди.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда кўп элатлилик, кўптиллилик ва анъаналардаги хилма-хиллик бир-бири билан яқин алоқада эканлиги узоқ ўтмишга бориб тақалади. Айни пайтда Ўзбекистон ҳудудида юздан зиёд миллат ва элат вакиллари истиқомат қиляпти. Шу боис, республикада миллатлараро тотувликни сақлаб қолиш ниҳоят муҳимдир. Зеро, юртбошимиз таъкидлаганидек, «кўп миллатли давлатда этник гуруҳлар ўртасидаги муносабатлар миллий хавфсизлик тушунчасини шакллантирувчи таъсирчан омиллардан бири эканлиги» бугун аниқ бўла бошлади.

Сўнгги пайтларда қатор мамлакатлар, жумладан, Собиқ Югославия, Кавказорти республикалари ва бошқа давлатлар тақдири бунга мисол бўла олади. Чунки кўп элатлилик айрим давлатлар, қолаверса, бутун бошли минтақаларнинг ҳам «ички сиёсий барқарорлиги ва миллий хавфсизлигига путур» етказиши ҳеч гап эмас. Шунинг учун, миллий масалалар ҳар қандай ҳукуматдан ниҳоят эҳтиёткорлик билан чуқур ёндошиб сиёсат олиб боришни талаб қилади.

Республикамизда миллий-маданий марказларнинг очилгани Ўзбекистон ҳукуматининг миллий масалаларга алоҳида эътибор қаратаётганини кўрсатади.

Миллий-маданий марказлар Ўзбекистоннинг кўп миллатли жамиятини сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий жиҳатдан қайта қуриш жараёнига салмоқли ҳисса қўшаётир. Бугун мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган ана шундай марказлар сони 80 дан ортди. Ўзбекларга хос бағрикенглик, меҳмондўстлик, вазминлик каби хусусиятлар полиэтник жамиятимизда миллатлар бирлигини вужудга келтиришда ҳал қилувчи механизм вазифасини ўтади, десак хато бўлмайди.

Мустақиллик арафасидаги даврда айрим миллатлар вакиллари ўртасида эртанги кунга ишонқирамай қараш кайфияти йўқ эмас эди. Лекин бу фақат Ўзбекистонгагина эмас, ўша даврда шаклланаётган ҳар бир жамият учун хос табиий хусусият эди. Буни икки сабаб билан изоҳлаш мумкин. Биринчидан, ўша пайтларда собиқ Иттифоқ ҳудудида пайдо бўлаётган давлатлар иқтисодиётида ҳамон инқироз давом этаётган эди. Иккинчидан эса, этник озчиликни ташкил этадиган миллатлар ҳуқуқларининг ҳимоясини кафолатлайдиган қонунлар мажмуаси ҳали мавжуд эмас эди. Шу туфайли, умумхалқ бирлигини таъминловчи қонунларни ишлаб чиқиш мустақил Ўзбекистон олдида турган энг муҳим вазифалардан бўлди. Бу борадаги илк қадам Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар ҳақида»ги ҳамда «Жамоат бирлашмалари ҳақида»ги қонунларнинг (1991 й.) қабул қилингани бўлди. Энг муҳими, мамлакатимиз демократик ривожланиш асосини яратди. Республикамиз бош Қонунида «Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади», деган сўзлар қайд этилгани умумхалқ манфаатларининг чинакам ифодаси эди. Бу эса жамиятда эртанги кунга нисбатан ишонч ҳиссининг кучайиши ҳамда миллатлараро тотувликнинг собитлашуви учун мустаҳкам асос бўлди.

Ҳар қандай қонуннинг ҳаётда амал қилиши учун унинг ишлаш механизмлари бўлиши керак. Шунинг учун ҳам, сўнгги йилларда республикамизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида қатор демократик муассасалар тузилди. Ўзбекистон Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (Омбудсман), Олий Мажлис қошидаги Амалдаги қонунчилик мониторинги институти, Ўзбекистон Республикасининг Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маркази, Аҳоли ҳуқуқий маданиятини ошириш маркази, Инсон ҳуқуқлари ва ижтимоий ҳуқуқларни ўрганиш маркази ана шундай муассасалар жумласига киради. Шу далилларнинг ўзиёқ, жамиятимизда тили ва диний эътиқодидан қатъий назар, ҳар бир одамга ўзини эркин ва тенг ҳуқуқли деб ҳис қилиш имконини берадиган ўзаро муносабатлар ўрнатилаётганидан далолат беради.

Азалдан анъана бўлиб келган байрамларнинг қайта тикланаётгани ҳам бугун Ўзбекистон халқининг бирлиги ва жипслигига хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон бугун жаҳон ҳамжамиятига тобора яқинлашаяпти, иқтисод эса барқарорлашмоқда. Мустақиллик йиллари Ватанимизда юзлаб янги корхоналар бунёд этилди. Энергетика, нефт ва ғалла мустақиллигига эришдик. Бу ютуқлар миллатлараро бирлик ва тотувликнинг маҳсулидир.

**М. МЎЙДИНОВА,**
**Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти тарих бўлими мудири**

